



МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ ҲИСОБЛАШДА УМУМИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА УЛАРНИНГ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Боронов Бобур Фарходович

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис интитуту докторанти, и.ф.ф.д. (PhD). Тошкент, Ўзбекистон. bobur_boronov@mail.ru

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss6/a4

Аннотация

Мақолада, бугунги кунда, мамлакатимизда маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларнинг таннархини пасайтириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар ҳамда уларнинг натижалари ёритилган бўлиб, хорижий ва маҳаллий олимларнинг маҳсулот таннархи бўйича қарашлари ҳамда “таннарх”, “ишлаб чиқариш таннархи” атамаларига берилган таъриф ва тавсифлар келтирилган. Илмий мақоланинг асосий таҳлил ва натижалари қисмида, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот таннархининг аҳамияти, маҳсулот таннархига таъсир этувчи харажатлар моддалари ёритилган. Шунингдек, ёғ-мой саноати корхоналарида умумишлаб чиқариш харажатларининг таркиби, уларнинг маҳсулот таннархига тақсимлаш усуллари келтирилган. Олиб борилган тадқиқот давомида, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида умумишлаб чиқариш харажатларини маҳсулот таннархига олиб бориш бўйича услубий тартиблар ишлаб чиқилган. Ёғ-мой саноати корхоналари бўйича ишлаб чиқилган ушбу таклифлар корхоналарнинг амалий мисоллари ёрдамида кўрсатиб берилган бўлиб, тадқиқот натижасида қилинган хулосалар, илмий ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: ёғ-мой маҳсулотлари, тайёр маҳсулот, маҳсулот таннархи, билвосита харажатлар, умумишлаб чиқариш харажатлари, бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.

Аннотация

В статье освещаются проводимые в нашей стране реформы по производству продукции и удешевлению их себестоимости и их результаты, а также взгляды зарубежных и отечественных ученых на себестоимость продукции, а также определения и описания терминов «себестоимость», «себестоимость производства». В части основного анализа и результатов научной статьи значение себестоимости продукции на предприятиях по производству масложировых продуктов, статьи затрат, влияющие на себестоимость продукции. Также представлен состав общехозяйственных затрат на предприятиях масложировой отрасли, методы их отнесения на себестоимость продукции. В ходе проведенных исследований были разработаны методические приемы перенесения общехозяйственных затрат в себестоимость продукции. Эти предложения, разработанные для предприятий масложировой отрасли, проиллюстрированы с помощью практических примеров предприятий. По результатам исследования представлены выводы и рекомендации, а также научно-практические предложения и рекомендации.

Ключевые слова: масложировая продукция, готовая продукция, себестоимость продукции, косвенные затраты, общие производственные затраты, бухгалтерский учет, финансовая отчетность, международные стандарты финансовой отчетности.

The article highlights the reforms in our country to produce products and reduce the cost of their cost and their results. When analyzing the literature on the topic, the views of foreign and domestic scientists on the cost of production are given, as well as definitions and descriptions of the terms "cost", "production cost". In terms of the main analysis and the results of a scientific article, the value of the cost of production at enterprises for the production of oil and fat products, cost items that affect the cost of production. The composition of general business costs at the enterprises of the oil and fat industry, methods of their attribution to the cost of production are also presented. In the course of the research, methodological methods were developed for transferring general business costs to the cost of production. These proposals, developed for the oil and fat industry, are illustrated with the help of practical examples of enterprises. Based on the results of the study, conclusions and recommendations are presented, as well as scientific and practical proposals and recommendations.

Key words: oil and fat products, finished products, product cost, indirect costs, total production costs, accounting, financial reporting, international financial reporting standards.

Кириш

Республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижасида, ишлаб чиқариш тармоқлари кундан-кунга ривожланиб, бугунги кунда, ушбу тармоқларда турли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Хўжалик юритувчи субъектларда ушбу ишлаб чиқариш жараёнида харажатларни тўғри ҳисобга олиш ва бошқариш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Мамлакатимизда ушбу вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Саноатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори[1]да саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш бўйича вазифалар белгиланган. Бугунги кунда, мамлакатимиз ҳукумати томонидан белгиланган ушбу вазифалар ижросини таъминлаш ёғ-мой саноати корхоналарининг ҳисоб олдидаги долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

“Ўзёғмойсаноат” уюшмасининг маълумотларига кўра, 2021 йилда, ёғ-мой саноати корхоналарида 1 кг пахта техник чигитини қайта ишлаб чиқариш харажатлари ўртача 5,2 минг сўмни ташкил этган. Ушбу хом ашёдан олинадиган маҳсулотларнинг ўртача сотиш баҳоси эса, 5,5 минг сўмни ташкил этиб, 1 кг пахта техник чигитини қайта ишлаш натижасида, атиги, 300 сўм фойда кўрилган, холос¹. Ушбу кўрсаткичлардан кўриш мумкинки, ишлаб чиқариш корхоналарида фойда кўрсаткичи бевосита ишлаб чиқариш харажатларига боғлиқ бўлиб, корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнларини тўғри бошқариш ва маҳсулот таннархини тўғри аниқлаш, харажатлар таркибида муҳим ўрин эгаллайдиган корхоналарнинг умумишлаб чиқариш харажатларининг маҳсулот таннархига таъсири ва уларни қўллашда корхоналар томонидан танланадиган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мос келадиган методлари бўйича ҳисоб-китоб қилиш каби жараёнлар ишлаб чиқариш ҳисоби олдидаги долзарб вазифалардан биридир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Тадқиқотлар халқаро стандартлар ҳамда иқтисодий адабиётларда маҳсулот таннархи масалалари бўйича илмий изланишлар олиб борган хорижий ва маҳаллий олимларнинг фикр ва мулоҳазаларини ўрганиб чиқишни тоқозо этди.

2-сон (IAS) “Заҳиралар” БҲХСда “Товар-моддий заҳиралар таннархига ТМЗларни сотиб олиш, қайта ишлаш ва уларни ҳозирги пайтдаги жойлашиши ҳамда ҳолатига келтириш учун амалга оширилган бошқа жами харажатлар киритилиши лозим”², деб келтирилган.

Машҳур англиз профессори К.Друри ўзининг асарида, “Маҳсулот таннархи – бу қайта сотиш учун сотиб олинган ёки ишлаб чиқарилган товарлар билан бирлаштирилган харажатлар” [2], деб таъкидлайди.

М.А.Вахрушина калькуляцияни “Маҳсулот (иш, хизматлар)нинг айрим турлари таннархини иқтисодий ҳисоблаш тизими” [3], деб таъкидлайди.

В.Б.Ивашкевич ўзининг тадқиқот ишида, “Маҳсулот таннархини калькуляция қилиш иқтисодий ҳисоб-китоблар тизими, алоҳида бир турдаги маҳсулот (иш, хизматлар) бирлиги таннархини ўзида акс эттиради” [4], деб таъкидлайди.

Россиялик иқтисодчи олим Т.А.Головинанинг фикрича, “Маҳсулот таннархи тушунчаси қиймат қонуни тамойилларига асосланади, қайсики товарнинг қиймати нафақат ишлаб чиқариш имкониятлари, балки жамият эҳтиёжлари билан аниқланади” [5].

М.Ю.Медведев ўзининг ишида, “Таннархни калькуляция қилиш – даромад ва харажатлар тоифаларида молиявий натижани ҳисоблаш жараёнининг алгоритмик босқичларидан бири” [6], деб келтирган.

Иқтисод фанлари номзоди, доцент О.Воробьеванинг таъкидлашича, “Таннарх – бу ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат бирлигига тўғри келадиган харажатлар”³.

Мамлакатимиз олимларидан А.И.Алиқуловнинг фикрича, “Таннарх - корхона ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг барча томонлари ва унинг фаолиятининг самарадорлигини характерловчи синтетик, умумлаштирувчи кўрсаткичдир” [7].

Тадқиқот давомида хорижий ва маҳаллий адабиётлар ҳамда ахборот манбалари тадқиқ қилинганда аниқ бўлдики, маҳсулот таннархини тўғри ҳисоблаш, уларнинг ҳисобини ташкил этиш масалалари бўйича турли хил ёндашувлар мавжуд бўлиб, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот таннархи, жумладан умумишлаб чиқариш харажатларининг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, харажатларни тўғри тақсимлаш бухгалтерия ҳисоби олдидаги долзарб вазибалардани бири бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, уларнинг маҳсулот таннархига таъсирини очиқ бериш мақсадида олиб борилган тадқиқотларда илмий абстракциялаш, иқтисодий таҳлил, монографик кузатув, қиёслаш, индукция ва дедукция каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Юқорида келтирилган тадқиқот натижалари асосида кўриш мумкинки, хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқариш натижасида пайдо бўлган тайёр маҳсулотларнинг таннархига уларни ишлаб чиқариш жараёнида бевосита боғлиқ бўлган харажатлар киради. Корхоналарда бундай ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини бошқариш кўп жиҳатдан, корхонанинг ҳисоб сиёсатида боғлиқ бўлиб, хўжалик юритувчи субъектларда фаолият бошланган даврдан бошлаб унинг

² 2-сон БҲХС (IAS) “Заҳиралар (Inventories)”. <https://www.ifrs.org/content/dam/ifrs/publications/pdf-standards/english/2022/issued/part-a/ias-2-inventories.pdf>

³ <https://upr.ru/article/raschet-sebestoimosti/>

ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилади ва корхона раҳбари томонидан тасдиқланади. Ушбу ҳужжат ҳар йили ҳисобот даврининг бошида қайта кўриб чиқилиб, тегишли ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Барча хўжалик юритувчи субъектлар каби, ёғ-мой саноати корхоналарида даромад ва харажатларни тан олиш масалалари, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоблаш усуллари ва маҳсулот таннархига олиб бориш тартиблари, шунингдек умумишлаб чиқариш харажатлари таркибига кирувчи харажат моддаларини белгилаш ҳамда уларни яратилган маҳсулот таннархига олиб бориш усуллари ҳисоб сиёсатида белгиланади.

Корхонада шундай ишлаб чиқариш бўлими мавжудки, улар бевосита асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлимларига, қолаверса маъмурият бўлимига ҳам хизмат қилади. Бухгалтерия ҳисобида бундай бўлимларнинг харажатлари умумишлаб чиқариш харажатлари сифатида тан олинади. Ишлаб чиқариш корхоналарида умумишлаб чиқариш харажатлари корхонанинг асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлимларида ишлаб чиқариш жараёнида қатнашадиган асбоб-ускуналарни сақлаш, уларнинг бутлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

Корхонада умумишлаб чиқариш харажатлари билан боғлиқ харажатлар 2510-“Умумишлаб чиқариш харажатлари” счётида ҳисобга олинади. Ёғ-мой корхоналарининг умумишлаб чиқариш бўлимига мансуб бундай харажатларига қуйидагиларни киритиш мумкин (1-жадвал):

1-жадвал

Ёғ-мой саноати корхоналарида умумишлаб чиқариш харажатларининг таркиби⁴

Моддий (материал) харажатлари	Меҳнат ҳақи харажатлари	Коммунал харажатлари:	Бошқа харажатлар:
машина ва асбоб-ускуналарни сақлаш;	иш ҳақи;	электро-энергия;	асосий воситаларнинг амортизацияси;
таъмирлаш;	ижтимоий солиқ	сув ва оқова;	мол-мулкни сугурталаш;
бутлигини таъминлаш.		табiiй газ;	ижара ҳақи;
		чиқиндиларни ташиш;	бошқа харажатлар.

2510-“Умумишлаб чиқариш харажатлари” счётидаги барча харажатлар оининг охирида ёпилиши, яъни қолдиққа эга бўлмаслиги керак. Агар ўша ойда хом ашё захирасининг мавжуд бўлмаганлиги, ёки бошқа бир сабабларга кўра ишлаб чиқариш жараёни бўлмаган бўлса, ушбу харажатлар 9430-“Бошқа операцион харажатлар” счётига олиб борилади.

Корхонанинг умумишлаб чиқариш харажатларини қайси харажатга олиб бориш тартиби корхонанинг ҳисоб сиёсатида белгиланган тартибда амалга оширилади. Шунинг учун, умумишлаб чиқариш харажатларини аниқ бир маҳсулот таннархига тўғридан-тўғри киритиб бўлмайди. Корхоналарда умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш қуйидаги турлардан бири орқали пропорционал тарзда тақсимлаш орқали амалга оширилади:

- * ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан;
- * ишлаб чиқаришнинг режали таннархига нисбатан;
- * ходимларнинг иш ҳақига нисбатан;
- * хом ашё ва материал харажатларига нисбатан;
- * олинган даромадга нисбатан;
- * бевосита харажатларга нисбатан;

- * асосий воситалар амортизациясига нисбатан;
- * бир турдаги асосий воситалар бўйича ижара ҳақиға нисбатан;
- * бошқа белгиларға нисбатан.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва иқтисодий адабиётларда умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлашнинг юқорида келтирилган усуллари келтирилган бўлсада, бироқ ёф-мой саноати корхоналарининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ушбу тармоқ субъектлари учун харажатларни ҳисобға олишнинг алоҳида тартиблари белгиланмаганлиги боис, ушбу билвосита харажатлар ҳам ёф-мой корхоналарида турлича ҳисобға олинмоқда. Жумладан, ёф-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида умумишлаб чиқариш харажатларини асосий маҳсулотлар ёки, асосий ва қўшимча маҳсулотлар таннархига олиб бориш тартиби амалиётда учрамоқда. Бу эса, бугунги кунда, ёф-мой саноати корхоналарида умумишлаб чиқариш харажатларини маҳсулот таннархига тақсимлашнинг муаммоларидан бири ҳисобланиб, ушбу масалалар бўйича илмий изланишлар ва ишлаб чиқариш хусусиятларини инобатға олган ҳолда, умумишлаб чиқариш харажатларини маҳсулот таннархига тақсимлашнинг ўзига хос усуллари ишлаб чиқишни зарурият қилиб қўймоқда. Шу боис, биз, тадқиқот ишимизда, ёф-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар учун умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлашнинг ўзига хос услубий тартибини ишлаб чиқишни, лозим деб топдик.

Тадқиқот натижаларида аниқ бўлдики, ёф-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳисоб сиёсатларида умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлашда “ишлаб чиқаришнинг режали таннархига нисбатан” усули кенгроқ қўлланилган. Ушбу усул ёрдамида умумишлаб чиқариш харажатларини маҳсулотлар таннархига олиб бориш тартибини “East Oil” масъулияти чекланган жамияти мисолида кўриб чиқамиз:

1-мисол. *“East Oil” МЧЖ ёф-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасида, 2022 йил июнь ойида пахта чигитини қайта ишлаш жараёни юз берган. Корхонада пахта чигитини қайта ишлаш жараёни билан шуғулланиши натижасида, ушбу даврда, жами 95800326,93 сўм умумишлаб чиқариш харажатлари амалга оширилган бўлиб, улар қуйидагилар ҳисобидан юзага келган:*

- * иш ҳақи – 46383878,00 сўм;
- * ижтимоий солиқ – 5566065,00 сўм;
- * асосий воситалар амортизацияси – 8588206,54 сўм;
- * электро-энергия харажатлари – 32921217,39 сўм;
- * чиқинди ташиш харажатлари – 800000,00 сўм;
- * таҳлилхона сертификатлаштириш хизмати – 1540960,00 сўм.


Корхонанинг ҳисоб сиёсатида умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлашда “ишлаб чиқаришнинг режали таннархига нисбатан” усули танланган.

Ёф-мой саноати корхоналарида умумишлаб чиқариш харажатлари “ишлаб чиқаришнинг режали таннархига нисбатан” усули бўйича тақсимланганда, харажатлар, ушбу даврда, барча ишлаб чиқариш бўлимларида яратилган маҳсулотлар таннархига бир мартада тақсимланади. Бизнинг фикримизча, ёф-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, ушбу тақсимлаш усулини такомиллаштириш мақсадға мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Бизнинг фикримизча, корхонада умумишлаб чиқариш харажатларини “ишлаб чиқаришнинг режали таннархига нисбатан” усул бўйича тақсимлашда, даставвал, умумишлаб чиқариш харажатлари ишлаб чиқариш цехларида яратилган “маҳсулот

гурӯҳлари” бўйича “режали таннарх” қийматларига пропорционал равишда тақсимлаш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ҳар бир цех бўйича тақсимланган умумишлаб чиқариш харажатлари ушбу цехларда яратилган ҳар бир “маҳсулот турлари” бўйича “ҳақиқий таннарх” қийматларига пропорционал тарзда қайта тақсимланади. Ушбу жараёнларни қуйида келтирилган расм орқали кўриш мумкин (2-расм):



2-расм. Ёғ-мой саноати корхоналарида умумишлаб чиқариш харажатларининг асосий хўжаликларга таъсири⁵

Ушбу расм орқали кўриш мумкинки, корхонада умумишлаб чиқариш харажатлари асосий ишлаб чиқариш, рафинация, дезодорация ва қадоқлаш цехларининг “Пахта маҳсулотлари гуруҳлари”га режали таннарх бўйича тақсимланади. Шундан сўнг, ушбу цех ва маҳсулот гуруҳига таркибига кирувчи маҳсулотларга ҳақиқий таннарх бўйича қайта тақсимланиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишнинг бундай тартиби, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи ҳисобининг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Корхонанинг асосий ишлаб чиқариш бўлимлари цехларида маҳсулот гуруҳлари бўйича умумишлаб чиқариш харажатларининг режали таннарх бўйича тақсимланишини қуйидаги жадвал орқали кўриб чиқамиз (3-жадвал):

3-жадвал

“East Oil” МЧЖда 2022 йил июнь ойида асосий ишлаб чиқариш цехлари “маҳсулот гуруҳлари” таннархига умумишлаб чиқариш харажатларининг таъсири (минг сўмда)

6

Ишлаб чиқариш цехлари	Маҳсулот гуруҳлари	Режали таннархи	Умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш коэф.	Умумишлаб чиқариш харажатлари улуши
1	2	3	4	5
Асосий ишлаб чиқариш цехи	Пахта маҳсулотлари	1 375 200,0	0,3289	31515,2859
Дезодорация цехи	Пахта маҳсулотлари	644 150,0	0,1541	14761,9048
Рафинация цехи	Пахта маҳсулотлари	1 226 400,0	0,2934	28105,2549
Қадоқлаш цехи	Пахта маҳсулотлари	934 588,8	0,2236	21417,8543
Жами		4 180 338,8	1	95 800,3

Изоҳ: 4-устунни ҳисоблаш учун, $4\text{-устун} = 3\text{-устун} / 4180338,8$; 5-устунни ҳисоблаш учун, $5\text{-устун} = 95800,3 \times 4\text{-устун}$.

Демак, умумишлаб чиқариш харажатларини ишлаб чиқариш цехларида яратилган “маҳсулот гуруҳлари” бўйича тақсимлашда, авваламбор, тақсимлаш коэффициенти аниқланади. Аниқланган коэффициент мос равишда, ишлаб чиқариш цехларининг “режали таннарх” қийматларига кўпайтирилиб чиқилади.

Умумишлаб чиқариш харажатлари корхонанинг ишлаб чиқариш цехларига ажратилгандан сўнг, ушбу цехларнинг ҳар бирида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг “ҳақиқий таннарх”га мос равишда умумишлаб чиқариш харажатлари тақсимланади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш бўлимларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг “ҳақиқий таннарх” қийматлари бўйича умумишлаб чиқариш харажатларининг тақсимотини 4-жадвал орқали кўриб чиқамиз (4-жадвал).

Демак, умумишлаб чиқариш харажатларини ишлаб чиқариш цехларида яратилган “маҳсулот турлари” бўйича тақсимлашда, худди юқорида келтирилган ҳисоб-китоблар каби, авваламбор, тақсимлаш коэффициенти аниқланади. Аниқланган коэффициент мос равишда ишлаб чиқариш цехларининг “ҳақиқий

таннарх” қийматларига кўпайтирилиб чиқилади. Анашу аниқланган қиймат умумишлаб чиқариш харажатларининг тайёр маҳсулот таннархидаги улуши ҳисобланади.

4-жадвал

“East Oil” МЧЖда 2022 йил июнь ойида ишлаб чиқарилган “маҳсулот турлари” таннархига умумишлаб чиқариш харажатларининг таъсири (минг сўмда)⁷

Ишлаб чиқариш цехлари	Маҳсулот турлари	Ҳақиқий таннархи	Умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш коэф.	Цех бўйича умумишлаб чиқариш харажатлари тақсими	Умумишлаб чиқариш харажатлари улуши
1	2	3	4	5	6
Асосий ишлаб чиқариш цехи	Рафинацияланмаган пресс пахта ёғи 1-нав	3 140 804	0,4522	31 515	14252
	Рафинацияланмаган экстракция пахта ёғи 1-нав	580 428	0,0836		2634
	Шрот хлопковые тостированный 1 сорта	2 126 005	0,3061		9647
	Шелуха хлопковая	1 097 997	0,1581		4982
Жами	0,3289 коэф.	6 945 234	1		31 515
Дезодорация цехи	Рафинацияланган, ҳидсизлантирилган пресс пахта ёғи 1-нав	1 586 645	0,8461	14 762	12 490
	Рафинацияланган, ҳидсизлантирилган пресс пахта ёғи олий нав	288 653	0,1539		2 272
Жами	0,1541 коэф.	1 875 298	1		14 762
Рафинация цехи	Рафинацияланган экстракция пахта ёғи 1-нав	589 727	0,1559	28 105	4380
	Пахта соапстоги	3 093	0,0008		23
	Рафинацияланган пресс пахта ёғи олий нав	306 270	0,0809		2275
	Рафинацияланган пресс пахта ёғи 1-нав	2 884 666	0,7624		21427
Жами	0,2934 коэф.	3 783 756	1		28 105
Қадоқлаш цехи	Пахта ёғи олий нав пресс рафинацияланган ҳидсизлантирилган кадокланган ПЭТ 4.2 кг	150 928	0,0782	21 418	1675
	Пахта ёғи 1-сорт	59 509	0,0308		660

Ишлаб чиқариш цехлари	Маҳсулот турлари	Ҳақиқий таннархи	Умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш коэф.	Цех бўйича умумишлаб чиқариш харажатлари тақсимооти	Умумишлаб чиқариш харажатлари улуши
1	2	3	4	5	6
	пресс рафинацияланган хидсизлантирилган кадокланган ПЭТ 0.92 кг				
	Пахта ёғи олий нав пресс рафинацияланган хидсизлантирилган кадокланган ПЭТ 0.92 кг	59 509	0,0308		660
	Пахта ёғи 1-нав пресс рафинацияланган хидсизлантирилган кадокланган ПЭТ 4.2 кг	1 660 203	0,8601		18422
Жами	0,2236 коэф.	1 930 149	1		21 418
Умумий қиймати	1 коэф.	14 534 437	100%	95800	95 800

Изоҳ: 4-устунни ҳисоблаш учун, 4-устун = 3-устун / жами цех харажатлари; 6-устунни ҳисоблаш учун, 6-устун = 5-устун * 6-устун.

Юқорида келтирилган жадвал маълумотлари асосида кўриш мумкинки, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатлари таркибида умумишлаб чиқариш харажатлари салмоқли ўрин эгаллаб, уларни ишлаб чиқарилган барча турдаги маҳсулотлар, яъни асосий, ёндош ва ёрдамчи маҳсулот турлари бўйича тўғри тақсимлаш маҳсулот таннархини ҳисоблашда муҳим бўлиб ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлашда танланадиган “ишлаб чиқаришнинг режали таннархига нисбатан” усулини биз тавсия этган тартиб бўйича тақсимлаш маҳсулот таннархини ҳисобот шаклларида реал акс эттиришга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Юқорида келтирилган натижалар асосида ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида харажатлар таркиби ва уларнинг маҳсулот таннархига таъсирини кўриб чиқишни тақозо этди (5-жадвал).

Жадвал маълумотлари асосида кўриш мумкинки, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари харажатлари таркиби ва маҳсулот таннархи ўзига хос хусусиятга эга.

Биринчидан, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарилар экан, яратилган маҳсулотлар сотиб юборилмай, балки асосий омбор орқали бир цехдан бошқа цехга қайта ишлаб чиқаришга берилади. Ҳар бир ишлаб чиқариш босқичидан сўнг, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифати ва таркиби такомиллашиб бораверади.

“East Oil” МЧЖда 2022 йил июнь ойида ишлаб чиқарилган ёғ-мой маҳсулотлари таннархи (минг сўмда)⁸

Харажат моддалари	Харажат турлари	Асосий ишлаб чиқариш цехи	Рафинация цехи	Дезодорация цехи	Қадоқлаш цехи	Харажат турлари жами
Моддий харажатлар	Техник пахта чигити 1-сорт, 1-класс	6 719 137				6 719 137
	Моддий чиқимлар				85 654	85 654
	Ёрдамчи материаллар	3 422	26 438			29 859
Меҳнат ҳақи харажатлари	Иш ҳақи	127 433	20 733	12 522	41 370	202 058
	Ягона ижтимоий солиқ	15 292	2 488	1 503	4 964	24 247
Бошқа харажатлар	Амортизация	68 350	2 519	1 677	1 920	74 467
	Чиқинди ташиш	263	235	123	179	800
	Сертификатлаштириш хизмати	507	452	238	345	1 542
	Электроэнергия	10 830	9 658	5 073	7 360	32 921
	Ускуналарни таъмирлаш			2 893		2 893
Ёғ-мой маҳсулотлари	Рафинацияланмаган пресс пахта ёғи 1-нав		3 140 804			3 140 804
	Рафинацияланмаган экстракция пахта ёғи 1-нав		580 428			580 428
	“Пахта ёғи” 1-сорт пресс. рафинацияланган			306269		306 269
	“Пахта ёғи” 1-сорт пресс. рафинацияланган, ҳидсизлантирилган			1 545 000	1 586 663	3 131 663
	Рафинацияланган, ҳидсизлантирилган пресс пахта ёғи олий нав				201 693	201 693
Цехлар бўйича жами харажатлар		6 945 234	3 783 755	1 875 298	1 930 148	14 534 435

Иккинчидан, харажатлар таркибида умумишлаб чиқариш харажатларининг улуши салмоқли бўлиб, улар ой охирида юқорида тадқиқ қилинган усуллар бўйича корхонанинг ишлаб чиқариш цехларига тақсимланган.

Учинчидан, мамлакатимизда фолият кўрсатаётган барча ёғ-мой саноати корхоналари учун умумишлаб чиқариш харажатларини корхонада яратилган барча асосий, ёндош ва ёрдамчи маҳсулот турлари бўйича тақсимлашнинг услубий тартиби тавсия этилди. Биз томонимиздан тавсия этилган ушбу усул ва тартиблар бухгалтерия ҳисобида маҳсулот таннархини тўғри ҳисобга олишда ва уларни ҳисоботда шаффоф акс эттиришга хизмат қилади.

Тўртинчидан, корхонанинг асосий ишлаб чиқариш цехида харажатларнинг ҳиссаси бошқа цехларга нисбатан катта бўлиб, асосий ишлаб чиқариш жараёнлари ушбу бўлимда амалга оширилади. Ушбу цехда яратилган маҳсулотларнинг “режали таннархи” бошқа цехларда яратилган маҳсулотлардан катта бўлганлиги боис, умумишлаб чиқариш харажатларининг таъсири ҳам нисбатан катта бўлади.

Ёғ-мой саноати корхоналарида умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида хулоса қилишимиз мумкинки, бугунги кунда, маҳсулот таннархини тўғри ҳисоблашда ушбу харажатлар алоҳида ўринга эгадир. Корхоналарда билвосита харажатлар таркибига кирувчи ушбу харажатларни, жумладан юқорида тадқиқ қилинган таъмирлаш харажатларини алоҳида ҳисобга олиш ва ҳисобини юритиш муҳим ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар

Ёғ-мой саноати корхоналарида умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида хулоса қилиш мумкинки, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида харажатларни тўғри ташкил этиш ва бошқариш, ёғ-мой маҳсулотлари таннархини пасайтириш, шунингдек ишлаб чиқариш жараёнларини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш масалалари муҳим ҳисобланиб, корхоналарда ушбу масалаларни тўғри ҳал этиш бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

1. Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида умумишлаб чиқариш харажатлари ўрганиб чиқилди ва уларнинг таркибига кирувчи харажатлар аниқланди.

2. Тадқиқотлар давомида, ёғ-мой саноати корхоналарида таъмирлаш жараёнлари уларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб икки гуруҳга ажратилди: ишлаб чиқариш жараёни давомида таъмирлаш ва ишлаб чиқариш жараёнини тўхтатган ҳолда таъмирлаш. Ушбу гуруҳлар бўйича ҳисобга олинган харажатлар ҳам, ўз навбатида, иккига бўлинди: маҳсулот таннархига олиб бориладиган ва асбоб-ускуналар таннархига олиб бориладиган харажатлар.

3. Корхоналарда умумишлаб чиқариш харажатларининг маҳсулот таннархига тақсимлаш усуллари келтирилиб, ёғ-мой саноати корхоналари томонидан ҳисоб сиёсатида танланган усуллари кўрсатилди.

4. Тадқиқотлар натижасида аниқ бўлдики, иқтисодий адабиётлар ва илмий тадқиқот ишларида ёғ-мой саноати корхоналари учун умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш бўйича маълум бир усул ишлаб чиқилмаган бўлиб, корхоналарда ушбу харажатлар асосан асосий ёки асосий ва ёндош маҳсулотлар таннархига олиб борилади. Бу эса, уларнинг таннархини реал ҳисоблаш имконини бермайди. Шу боис, тадқиқот давомида, умумишлаб чиқариш харажатларини маҳсулот таннархига олиб бориш бўйича тавсиялар ишлаб чиқдик.

Бизнинг фикримизча, ёғ-мой корхоналарида умумишлаб чиқариш харажатлари даставвал, ишлаб чиқариш цехларида яратилган “маҳсулот гуруҳлари” бўйича “режали таннарх” қийматларига пропорционал равишда тақсимланиши лозим. Ушбу жараёндан сўнг, цехлар кесимида тақсимланган умумишлаб чиқариш харажатлари “маҳсулот турлари” бўйича “ҳақиқий таннарх” қийматларига пропорционал равишда қайта тақсимланади. Ёғ-мой саноати корхоналарида ушбу усуллар ёрдамида умумишлаб чиқариш харажатларининг маҳсулотлар таннархига таъсири аниқлаш ва ҳисоблаш бўйича ҳисоб-китоблар корхоналарнинг амалий мисоллари ёрдамида

кўрсатилди. Бизнинг фикримизча, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида умумишлаб чиқариш харажатларини асосий ишлаб чиқариш бўлимлари харажатларига олиб боришда “ишлаб чиқаришнинг режали таннархига нисбатан” тақсимлаш усулини танлаш мақсадга мувофиқ. Ушбу танланган усул корхонанинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

5. Ёғ-мой корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажми йил давомида бир хил, яъни мунтазам бўлмайди. Шу боис, мавсум бўлмаган даврда ишлаб чиқариш харажатлари таркибидаги ўзгармас харажатларни қайта кўриб чиқиш жумладан, иш ҳақи ва ижтимоий солиқ, асосий воситаларни консервация қилиш натижасида амортизация харажатларини камайтириш лозим.

Бизнинг фикримизча, тадқиқот натижалари асосида биз томонимиздан билвосита харажатлар ҳисоби бўйича ишлаб чиқилган юқоридаги илмий таклиф ва тавсияларимиз мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ёғ-мой саноати корхоналарида маҳсулотлар ҳисобининг илмий-назарий, ташкилий-услубий асосларини такомиллаштиришга, хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг эҳтиёжларини қондирувчи ахборотлар билан таъминлашга муайян даражада хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 7 мартдаги “Саноатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 64 сон қарори.

2. C.Drury. Management and Cost Accounting, 10th Edition Colin Drury. Annabel Ainscow. ISBN: 978-1-4737-4887-3. 2017.

3. Вахрушина М.А. Парадигма бухгалтерского учета и отчетности в условиях глобальной экономики: проблемы России и пути их решения. Международный бухгалтерский учет. 2014. № 25. С. 38-46.

4. Ивашкевич В.Б., Бухгалтерский управленческий учет: Учебник. — 3, перераб. и доп. .— Москва ; Москва : Издательство "Магистр": ООО "Научно-издательский центр ИНФРА-М", 2015 .— 448 с. .— ISBN 978-5- 9776-0362-1 .— <Внешний ресурс>. 116-с.

5. Головина Т.А. Управленческий учет и анализ на предприятиях мясной и молочной промышленности при переходе на международные стандарты финансовой отчетности. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. -Орел.: 2004. 28-с.

6. Медведев М.Ю. Бухгалтерский академический словарь: более 3500 терминов / М.Ю. Медведев. — М. : Моск. финанс.-пром. акад., 2011 .— 656 с. .— ISBN 978-5-4257-0001-8.

7. Алиқулов А.И. Харажатлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий ҳамда амалий масалалари. Монография. –Т.: “Fan va texnologiya”. -2011, 188 б., 16-бет.